# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 21 июнь, № 120 (5794) Жума


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси конституциявий ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р. Азимов маъруза қилди.*

## ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назорати Қонунчилик палатасининг устувор вазифалари жумласига киради, шу сабабли у депутатлар корпусининг диққат марказида туради. Яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдинроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага доир ҳисоботи дастлабки тартибда кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси мажлисида таъкидландики, жаҳон иқтисодиётидаги салбий тенденцияларга қарамай, 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси изчил рўёбга чиқарилиши натижасида ўтган йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди.

2012 йил якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,2 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 7 фоизни, чакана товар айланишининг ўсиши 13,9 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизнинг ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарининг рақобатлашув афзалликларини рўёбга чиқариш, экспорт таркибини диверсификация қилиш бўйича аниқ мақсадли ишлар ва янги ташқи бозорларнинг фаол ўзлаштирилиши 2012 йилда экспорт ҳажмининг 11,6 фоиз ўсишини, мамлакат олтин-валюта захираларининг кўпайишини таъминлади.

Ўтган йили ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштиришга ҳамда янги, замонавий ва юксак технологик ишлаб чиқаришларни барпо этишга, қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилашга, уларни ободонлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини ўтказишга ҳам катта эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ



*Сайёрамизда энергетика ресурсларининг асосий хом ашё манбаи — углеводород захираларининг тобора камайиб бораётганлиги ноанъанавий энергия ишлаб чиқаришнинг муқобил манбаларини ўзлаштириш, мавжуд корхоналарга тежамкор технологияларни олиб кириш, кенг кўламдаги модернизация ва реконструкция ишларини амалга оширишни тақозо этмоқда.*

**Энергетика тизими:**

## Тараққиётнинг янги босқичи

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантиришга қаратилган инвестиция сиёсати, чет эллик тадбиркор ва инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, солиқ ва божхона имтиёзлари натижасида ана шу тадбирлар изчил рўёбга чиқарилиб, инновацион лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Жумладан, ўтган йили "Навоий иссиқлик электр станцияси" ОАЖда буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши, айниқса, юртимизда энергетика соҳасида янгиланиш даврини, тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди.

Япониянинг етакчи "Мицубиси" компанияси маҳсулоти — қуввати 478 мегаватт, умумий лойиҳа қиймати 468 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур қурилма бугунги кунда истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз етказиб бермоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлисида алоҳида таъкидланганидек, бу ерда қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

Дарҳақиқат, соатига 90 минг кубометр табиий газ ёқилғиси сарфланадиган янги қурилманинг газ турбинасидан шу муддатда 313 минг киловатт-соат электр энергияси олинади. Ёниш маҳсулотларининг қолган иссиқлиги ҳисобига ҳосил қилинган буғ эса анъанавий технологияларга асосланган буғ турбинасига йўналтирилиб, яна 165 минг киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Муҳими, ушбу комбинацияланган цикл шарофати туфайли юқори тежамкорликка эришилади. Масалан, анъанавий иссиқлик электр станцияси циклида 1 кВт-соат электр энергияси олиш учун 380-400 грамм атрофида шартли ёқилғи сарфланса, комбинациялашган циклли қурилмада мазкур кўрсаткич 234 граммни ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).



## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Булунғурлик тадбиркор Жуман Раҳмонов банкнинг 30 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳамда ўз маблағи ҳисобига тумандаги Истиқлол маҳалласида "Булунғур мебель сервис" хусусий корхонасини ишга туширди.*

### Маҳаллада истиқболли корхона

Натижада бу ерда мебель жиҳозлари ва замонавий эшиклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кичик бизнес субъекти жамоаси ўтган қисқа фурсатда буюртмачиларга 16 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди. Бунда хориждан келтирилган илғор технологиялар қўл келди.

Умуман, жорий йил давомида туманда 15 та шу каби саноат корхонаси ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, январь — март ойларида улардан иккитаси фаолият бошлади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиши билан сифатли қурилиш материалларига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Асака туманидаги "Sing LIDA" масъулияти чекланган жамияти ҳам айнан шу эҳтиёждан келиб чиқиб ташкил этилди.*

### Талаб ва таъминот

Йилига 100 минг тонна сифатли, харидоргир цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона фаолиятини йўлга қўйиш учун 6 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж инвестицияси жалб этилди. Шу билан бирга, 120 та иш ўрни яратилди.

— Илғор технологияларимиз асосида дастлабки 4,5 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди, — дейди тадбиркор Анваржон Шукуров. — Юқори сифатли маҳсулотимиз қурувчиларга манзур бўлди. Келгусида корхонанинг иккинчи навбати қуриб битказилиши билан ишчиларимиз сони икки баробар ортиб, маҳсулот ҳажми кўпаяди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Денов туманидаги "Отабек Малик" хусусий корхонасида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган тураржойлар учун зангламас металлдан томёпқичлар тайёрлана бошлади.*

### Замонавий томёпқичлар

— Иш унуми юқори бўлган технологияларимиз турли ўлчамдаги ҳамда исталган рангдаги томёпқичларни ишлаб чиқариш имконини беради, — дейди тадбиркор Йўлдош Маматқулов. — Эътиборлиси, рақобатбардош маҳсулотларимизнинг сифати юқори, нархи эса бирмунча арзон.

Умуман, вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида 609 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиши ҳисобига 6,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Урганч шаҳридаги "Хоразм Довуд сервис транс" давлат унитар корхонаси Самарқанд автомобиль заводидан 30 та "Исузу" русумли автобус харид қилди.*

### Йўловчиларга қулайлик

Айни кунда янги транспорт воситалари орқали вилоят марказида 4 та йўналиш бўйлаб қатновлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, мазкур эзгу ташаббус натижасида шаҳар ичида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган автобуслар сони 137 тага етди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Юксак рағбат ва эътибордан миннатдормиз

*Президентимиз Жиззах вилоятига ташрифи чоғида бизнинг "Жиззах пластекс" корхонамизда ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.*

Монтажчи-созловчи ва ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг меҳнатига юқори баҳо бердилар, қисқа муддатда ишга туширилиши мўлжалланаётган мазкур корхона мамлакатимиз енгил саноати ривожига муносиб ҳисса қўшишига юксак ишонч билдирдилар.

Дарҳақиқат, хорижнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланаётган фабрикамизнинг ишлаб чиқариш қуввати юқори. Унинг биринчи навбати ишга туширилгач, йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш йўлга қўйилиб, 8,5 минг тонна калава ип ва 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш имконияти юзага келади. Натижада 1050 та иш ўрни яратилади.

Бунинг учун бугунги кунга қадар 47 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Унинг 16 миллион АҚШ доллари бино-иншоотлар қуриш ва реконструкция қилиш мақсадларига сарфланган бўлса, қолган қисми зарур технологик дастгоҳлар олиб келишга йўналтирилди.

(Давоми 2-бетда).

### ДИЛ СЎЗИ

*Жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов Сирдарё вилоятига ташрифи давомида бизнинг Оқолтин туманидаги "Авазбек Умаров" фермер хўжалиги даласида ҳам бўлиб, фермерлар билан дилдан суҳбатлашдилар.*

## Фермерлик ҳаракати — қудратли куч

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай дедилар: "Ҳаммамизга маълумки, совет тузуми даврида хусусий мулк бўлмаган. Биз собиқ совет тузумининг асоратларидан фермерларга ер ажратиб, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш орқали халос бўла бошладик. Бугун фермерлар — мамлакатимизнинг устунига айланди. Устун эса таянч демакдир. Лекин фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш лозим. Чунки фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизни ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучдир".

Чиндан ҳам, бугунги кунда фермерлик ҳаракати қишлоқлар ободлиги, одамларнинг фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. 2009 йилда ташкил этилган фермер хўжалигимиз фаолияти бунга мисол.

(Давоми 2-бетда).

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йирик 205 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестициялардан самарали фойдаланиш, маҳсулотни маҳаллийлаштириш дастурини рўёбга чиқариш ҳисобига бюджетнинг даромад базаси мустаҳкамланди. Шуни айтиш муҳимки, республикада ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича қўшилган қиймат солиғидан тушумлар 17,2 фоиз кўпайди, бу иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш сиёсатининг муҳим натижаларидан биридир.

Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакат аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг диққат марказида бўлди. 2012 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар 26,5 фоизга ошди.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш, солиқ юкини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2012 йилги Давлат бюджетининг ижроси тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси эса белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Мажлисда қайд этиб ўтилдики, ҳисобот даврида асосий эътибор ижтимоий соҳани молиялаштиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантиришга, аҳолини мақсадли ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Саволларга жавоблар берилганидан кейин ҳисобот батафсил муҳокама этилиб, муҳокамалар пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Мунозараларда ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари алоҳида таъкидладиларки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мумкин қадар қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, мамлакатнинг инвестициялар жалб этиш жиҳатидан жозибадорлигини ошириш иқтисодиёт рақобатбардошлигини юксалтиришнинг энг муҳим вазифаларидир.

Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсати, хусусан, 2012 йилдан бошлаб саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 6 фоиздан 5 фоизгача камайтирилиши уларнинг жадал ва тобора ривожланишини таъминлади. Фақат мазкур солиқ тури бўйича ставканинг пасайтирилиши ҳисобига кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг даромадлари тахминан 100 миллиард сўмга кўпайди. Демак, кичик бизнес субъектлари бу маблағлардан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ишлаб чиқарувчиларгина эмас, умуман, аҳоли ҳам наф кўради.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари таъкидлаганларидек, бундай сиёсат натижаси яққол кўриниб турибди — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2011 йилдаги 54 фоиздан 2012 йилда 54,6 фоизга ошди, уларнинг фаолиятидан бюджетга тушумлар 22,5 фоизга ўсди, 485 мингтадан ортиқ иш ўринлари яратилди.

ЎзЛиДеП депутатларининг фикрига кўра, фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш 2012 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 11,7 миллиард доллардан зиёд суммадаги капитал маблағларни ўзлаштириш имконини берди. Бу 2011 йилдагидан 14,0 фоиз кўпдир. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 22,9 фоизни ташкил этди, бу мамлакатдаги инвестиция жараёнининг юқори даражада фаоллигидан далолат беради. Иқтисодиётнинг реал секторига деярли 2,5 миллиард доллар ҳажмидаги чет эл инвестициялари жалб этилиб, бундан 79,0 фоизини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Буларнинг барчаси экспортнинг жадал ривожлантирилишини ва экспорт таркиби диверсификация қилинишини таъминлаш, маҳсулотни реализация қилиш учун янги ташқи бозорларни фаол ўзлаштириш имкониятини беради.

Шу билан бирга, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари таъкидладиларки, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари сингари кичик бизнес корхоналарини техник ва технологик модернизация қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, товарлар ва хизматларни экспорт қилиш жараёнларига “ягона ойна” тизимини жорий этиш тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини янада оширишга анча кўмаклашган бўлур эди.

2012 йилги Давлат бюджети ижросини кўриб чиқиш пайтида Ўзбекистон ХДП фракцияси депутатлари Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Хусусан, 2012 йилда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобига салкам бир миллионта янги иш ўринлари ташкил этилди. Бундан тахминан 62 фоизи қишлоқ жойларида яратилди. Бунда фақат касаначиликнинг барча шаклини кенгайтириш ҳисобига 218 мингта иш ўрни ташкил этилди. Мамлакатимизда бизнеснинг янги шакли — оилавий тадбиркорлик жорий этилганлигини инобатга олган ҳолда, уларни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини ташкил этиш учун катта имконият мавжудлигини қайд этиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари таъкидладиларки, 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Касб-ҳунар коллежларининг иш берувчи корхоналар билан турли кооперация шаклларидан фойдаланиш, ушбу муаммога туманлар ва шаҳарлар жамоатчилигини жалб этиш бу вазифани ҳал этишга қаратилган муҳим йўналиш ва омил бўлди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни битирган 450 минг нафардан зиёд ёшларни ишга жойлаштириш таъминланди, бунда битирувчиларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарда ишга жойлаштирилди.

Ҳисобот даврида Бандликни таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсизларни қайта тайёрлаш, уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш бўйича ишлар давом эттирилганлигига ҳам эътибор қаратилди.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги алоҳида таъкидланди. Бунда ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинган харажатлар 2012 йилда салкам 60 фоизни ташкил этди. Таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларини, фан ва бошқа соҳаларни таъминлаш ҳамда ривожлантиришга салмоқли маблағлар сарфланди.

Чунончи, ҳисобот даврида 62,3 минг ўқувчига мўлжалланган 189 та умумтаълим мактаби реконструкция қилинди, 161 мактабда мукаммал таъмирлаш амалга оширилди, 70 та касб-ҳунар коллежи реконструкция қилинди. Янги касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг филиаллари қурилиши тугалланди. Натижада, 2012/2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш амалда тўла таъминланди. Буларнинг барчаси энг муҳим вазифани ҳал этишга — баркамол, салоҳиятли ёшларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу мамлакатимиз келажагининг, унинг рақобатбардошлигининг гаровидир.

Фракция аъзолари ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларни ижтимоий таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтдилар. 2012 йил мобайнида ана шу мақсадлар учун харажатлар 86,9 миллиард сўмдан ошди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ХДП фракцияси бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириб бориш муҳимлигини таъкидлади. Бюджет маблағларининг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш тизимига ўтиш, қанча ва нима учун сарф-харажат қилинганини эмас, балки ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш қандай сифат ўзгаришларига олиб келганини баҳолаш зарур.

Фракциянинг фикрига кўра, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлардан, шу жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Бандликни таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишига, маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашни яхшилашга, бу соҳада жамоатчилик назорати тизимини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Хусусан, молия соҳасида “ишонч телефонлари” тармоғини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу бюджет маблағларидан, айниқса, жойларда мақсадсиз фойдаланилишининг олдини олиш имкониятини беради.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” ДП фракцияси депутатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлигига қарамай, миллий товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга кўмаклашганлигига эътибор қаратдилар. Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи бунга далил бўлиб, ана шу кўрсаткич 2012 йилда 4,6 миллиард долларни ташкил этди. Бу тегишли равишда валюта захиралари ўсишига, иқтисодий суверенитет мустаҳкамланишига, аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг асосий омили сифатида иқтисодий хавфсизлик таъминланишига олиб келди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” ДП фракцияси ташқи қарзлар хусусида пухта ўйланган сиёсатнинг янада давом эттирилиши муҳимлигини таъкидлади. Бу жаҳон иқтисодиётидаги, ҳатто дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги давлат қарзининг ўсиши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган шароитда муҳимдир.

Бунда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, фракция аъзолари миллий товар ишлаб чиқарувчиларга қўшимча рағбатлар бериш асосида маҳаллийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар, биринчи навбатда, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди пайдо бўлишига, уларнинг жаҳон бозорларига изчил кириб боришига кўмаклашиш, товарлар контрабандасига қарши кураш самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Умуман олганда, фаол ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш Давлат бюджетининг даромад қисмини янада мустаҳкамлашга ва тегишли равишда унинг харажатларини кўпайтиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари Давлат бюджети ижросини таҳлил этишда ўз сайловолди дастурларининг устуворликларига, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришга эътибор қаратдилар. Ҳисобот даврида соғлиқни сақлашни ривожлантиришга 3 024,9 миллиард сўм ёки ижтимоий соҳа харажатларининг 24,6 фоизи йўналтирилган.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 255,0 миллиард сўмдан зиёд маблағ 151 тиббиёт муассасасининг қурилиши ва реконструкция қилиниши учун йўналтирилди. Бу қўшимча равишда 8,0 мингта касалхона ўрни ҳамда бир сменада 12 минг кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника объектларини фойдаланишга топшириш имконини берди. Тиббиёт муассасаларини замонавий ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан 8,0 миллиард сўм ажратилди.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида юксак технологик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга ташхис қўйиш ва даволашни жаҳон андозалари даражасида амалга ошириш имконини берувчи юрак жарроҳлиги бўлимининг очилиши ўтган йилнинг муҳим воқеаси бўлди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлари ижтимоий соҳани юксалтириш тадбиркорликни ривожлантириш билан узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидладилар. Тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошира бориб, Давлат бюджетини тўлдирадилар, унинг катта қисми эса ижтимоий соҳага йўналтирилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи таъкидладики, 2012 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун Давлат бюджети харажатлари 83,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш доирасида қишлоқ жойларида ичимлик суви билан таъминлаш тизими қурилишига 110 миллиард сўм ёки 2011 йилдагидан 67,4 фоиз кўп маблағ ажратилди. 2008 — 2012 йилларда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига мувофиқ, махсус жамғарма ҳисобидан экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш учун 202,7 миллиард сўм сарфланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи чиқиндиларга, канализация тизимлари ва тозалаш иншоотларини таъмирлаш ва реконструкция қилишга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг кадастрларини юритишга тааллуқли бир қатор масалаларни ҳал этиш учун бюджет маблағларини ажратиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси ва Ҳаракатлар режасини экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган мақсадларга мувофиқ такомиллаштириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бир вақтда, депутатлар гуруҳи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш борасида тегишли давлат тузилмаларининг жавобгарлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Умуман олганда, депутатлар мажлис жараёнида бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш муҳимлигини ҳам айтиб ўтдилар. Мамлакат ҳукуматига бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга, хусусан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимандаликка, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилди.

Давлат бюджетининг ижросига доир ҳисобот депутатларда талай саволлар пайдо бўлишига олиб келди, бу саволлар ҳукумат вакилларига берилди.

Ҳар томонлама ва пухта муҳокамалардан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2012 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# Юксак рағбат ва эътибордан миннатдормиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда Германиянинг “Тручлер”, “Орликон” ва “Террот”, Италиянинг “Марцоли”, Швейцариянинг “Устер” компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган юқори технологик дастгоҳларни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари якунига етказилаяпти. Қувонарлиси, бу жараёнда жиззахлик ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу мамлакатимизда уларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитни яратиб бериш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Корхонамизнинг технологик линияси электр энергиясини тежаши, экологик жиҳатдан хавфсизлиги, дастгоҳларга махсус микроқурилмалар ўрнатилганлиги билан ажралиб туради. Ушбу қурилмалар воситасида ускуналардаги нуқсонларни масофадан туриб, интернет тизими орқали ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имконияти мавжуд.

Германиялик ҳамкорлар кўмагида ишга туширилаётган қўшма корхонамизнинг иккинчи навбати эса келаси йилга мўлжалланган бўлиб, бу босқичда 4 минг тонна трикотаж матони бўяш ва ишлов бериш, 6 миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Қўшимча равишда 700 та иш ўрни яратилади. Шу мақсадда яна 8,2 миллион евро миқдорида маблағ жалб этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Булардан кўзланган мақсад битта. У ҳам бўлса, давлатимиз раҳбари такрор ва такрор таъкидлаганидек, хорижга арзон нархларда хом ашё етказиб бериш эмас, балки жаҳон бозорига бирламчи ва иккиламчи тайёр маҳсулотларни экспорт қилишдан иборатдир. Қолаверса, аҳолини, айниқса, ёшларни кафолатланган иш жойи билан таъминлаш орқали уларнинг моддий таъминотини яхшилаш ва турмуш даражасини юксалтиришга ҳисса қўшиш.

Ҳозирданоқ бир қатор хорижлик ишбилармонлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотимизга қизиқиш билдиришаётгани қувонарлидир. Шундан келиб чиқиб, жорий йил якунигача Европа ва МДҲ мамлакатларига камида 3 миллион АҚШ долларилик калава ип экспорт қилишни мўлжаллаб турибмиз. Келгуси йилда бу кўрсаткич 20 миллион АҚШ долларидан ошиши кутилмоқда.

Юртбошимизнинг бизга билдирган ишончи зиммамизга катта масъулият юклаши билан бирга, фаолиятимизга улкан рағбат бағишлайди. Учрашув чоғида берган маслаҳат ва кўрсатмалари эса ишимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Асқар ИНОҒОМОВ,**
**«Жиззах пластекс» қўшма корхонаси бош директори.**

# Фермерлик ҳаракати — қудратли куч

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Негаки, олинадиган соф фойданинг катта қисми хўжалик моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Хўжалигимиз тасарруфида 57 гектар экин майдони мавжуд. Бу йил унинг 30 гектарида ғалла етиштирган бўлсак, 27 гектарида ғўза парваришланаяпти.

Ғалла ҳосилидан кўнглимиз тўқ. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, гектаридан 70 центнердан дон йиғиштириб олишни мўлжаллаб турибмиз. Бундай ютуқларга эришишимизда давлатимиз томонидан фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётгани рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар соҳа самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаяпти.

Биз ҳам ушбу ҳужжат асосида фаолиятимиз кўламини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш мақсадида муайян ишларни бошлаб юбордик. Гап шундаки, шу кунларда чорвачилик ва асаларичилик тармоқларини йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Келгусида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехини ташкил этиш ниятидамиз. Ана шунда ўнлаб янги иш жойларини очиш билан бирга, аҳоли дастурхонига тайёр ноз-неъматларни тортиқ қиламиз.

Президентимизнинг қишлоқ меҳнаткашлари билан суҳбати чоғида бизнинг меҳнатимизга юксак баҳо бергани ўз ишимизга қизиқишни янада ошириб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Демак, эзгу мақсадларимиз, албатта, рўёбга чиқади.

**Ғафорали УМАРОВ,**
**Оқолтин туманидаги «Авазбек Умаров» фермер хўжалиги раҳбари.**



Энергетика тизими:

# Тараққиётнинг янги босқичи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу — йилига қиймати 110 миллион АҚШ долларилик табиий газ ёқилғиси иқтисод қилинади, дегани.

— Замонавий қурилма юқори даражадаги тежамкорликдан ташқари, энг замонавий халқаро экология меъёрлари талабларига жавоб беради, атроф-муҳитга ортиқча иссиқлик йўқотилишини, зарарли ёниш маҳсулотлари ва кимёвий чиқиндилар чиқишини камайтиради, — дейди “Навоий иссиқлик электр станцияси” ОАЖ бош муҳандисининг модернизация ва реконструкция бўйича ўринбосари Азимжон Ёқубов. — Унда, шунингдек, барча технологик жараён компьютерлар ёрдамида бажарилади.

Албатта, бундай мураккаб технологияларни бошқариш етук кадрларни талаб қилади. Шу мақсадда қурилиш давридаёқ 20 кишидан иборат ёш мутахассислар гуруҳи Япониянинг “Мицубиси” компанияси заводларида малака оширган бўлса, бошқа бир гуруҳ ходимларимиз Испания пойтахти — Мадрид шаҳридаги ўқув марказида махсус тайёргарликдан ўтди.

**“Навоий иссиқлик электр станцияси” ОАЖда иккинчи истиқболли лойиҳа амалиётга татбиқ этилгач, бу ерда йилига қўшимча равишда яна**
**2 миллиард 800 миллион**
**киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади.**

Эътиборлиси, корхонада бунёдкорлик ишлари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш каби тадбирлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Гап шундаки, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси томонидан тизимга янги технологияларни олиб кириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш, янги электрон автоматик линияларни жорий этишга доир бир қанча инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилган. Шунга кўра, буғ-газ қурилмасида ишлаб чиқарилган қувватни истеъмолчиларга ишончли етказиб бериш учун лойиҳа қиймати 15 миллион АҚШ долларилик кичик станциянинг 220 кВт кучланишли шиналар тизимини ҳам тубдан реконструкция қилиш ишлари уддаланмоқда.

Айни чоғда воҳада саноат тармоқлари жадал ривожланаётганлиги ҳисобга олиниб, Президентимиз ташаббуси билан корхонада иккинчи истиқболли лойиҳа — қуввати 450 мегаватт бўлган қурилма лойиҳасини амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа амалиётга татбиқ этилгач, корхонада йилига қўшимча равишда яна 2 миллиард 800 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз энергетика тизимида олиб борилаётган бу каби ислоҳотлардан кўзланган мақсад залворли. Зеро, уларнинг ижросини таъминлаш орқали иқтисодиёт тармоқларида янада юксалишга эришилади, пировардида халқимизнинг турмуши бугунгидан-да обод бўлади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Қисқа сатрларда

● Урганчда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ўқув-семинар ўтказилди. Шунингдек, тадбир доирасида ҳаракатнинг энг намунали бошланғич ташкилоти танлови вилоят босқичи ғолиблари аниқланди.

**● Нукус шаҳрида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Alutex Karakalpak invest” масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа тижорат банкининг 150 миллион сўмлик кредити ҳисобига молиялаштирилди. Ҳозир бу ерда алюминий профилдан замонавий дераза ромлари тайёрланмоқда.**

● Денов туманидаги “Ҳофиз Назаров” фермер хўжалиги қошида тикувчилик цехи ишга туширилди. Ҳозир бу ерда меҳнат қилаётган 15 нафар чевар томонидан катталар ва болалар учун бежирим либослар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Qishloq Qurilish Bank

*Бугун мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётини тубдан ислоҳ этиш ва янгилаш, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш бўйича олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида халқимизнинг турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда.*

## «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»:

# Изчил фаолият, самарали ҳамкорлик

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосидаги ислоҳотлар юртимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши ҳамда дунё ҳамжамиятига изчил интеграциялашувида муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистон олдида муҳим вазифалар турибди. Аввало, кейинги пайтларда турли кўринишларда авж олаётган оммавий маданият ва ахборот хуружларининг таъсири, уларнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишларни амалга ошириш талаб қилинади. Президентимиз қайд этганидек, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча куч-қудратимиз, имкониятларимизни сафарбар этганимизни бугунги ёш авлодга тушунтириш, уларни Ватанни қадрлашга ундаш барчанинг олдида турган масъулиятли вазифадир. Буни, айниқса, ҳар бир тармоқ ўз фаолияти доирасида изчил олиб бориши долзарб аҳамиятга эга.

Хусусан, "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банки тизимида ходимларнинг ҳуқуқий ва маънавий онгини ошириш, уларда турли ахборот хуружларига қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Банк ходимларини мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий янгиликлардан хабардорлигини таъминлаш мақсадида 2013 йил 18 февралда Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда тадбирлар дастури ишлаб чиқилгани айни муддао бўлмоқда.

Ушбу тадбирлар дастури банк филиалларида ижро учун қабул қилинган бўлиб, ҳозир нафақат марказий идора ходимлари, балки жойларда ҳам турли маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Дастурга асосан, банк ходимлари учун йил давомида турли мавзуларда маърузалар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилади. Уларда Республика Маънавият тарғибот маркази тавсияси асосида мамлакатимизда таниқли санъат ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириғи асосида ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2012 йил 30 ноябрда бўлиб ўтган мажлиси баёни талабларидан келиб чиқиб, жорий йил давомида банк тизимида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ иш олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" мавзуидаги маърузаси йўналишларини чуқур ўрганиш юзасидан ўқув машғулотлари ўтказилди. Шу билан бирга, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги амалий ифодасини кенг тарғиб этишга бағишланган тадбирлар уюштирилди.

Қолаверса, банкда халқимизнинг миллий байрамлари арафасида турли тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Жумладан, Наврўз — умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этилган тадбирларда истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганига алоҳида урғу берилди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллуд кунига бағишлаб Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ўтказилган "Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?!" мавзуидаги давра суҳбатида буюк саркарданинг мамлакатимиз ва жаҳон тарихида тутган ўрни, унинг миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашдаги роли беқиёс эканлиги эътироф этилди.

Реклама ўрнида

Банк тизимида юксак маънавий муҳитни янада яхшилаш, ходимларнинг маънавий дунёсини бойитиш мақсадида пойтахтимиздаги 10 та етакчи театр билан шартнома имзоланиб, йил давомида ушбу маърифат масканларига банк ходимларининг оилавий боришлари ташкил қилинмоқда. Натижада жорий йил май ойининг ўзида банкнинг жами 330 нафарга яқин ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига театрларга ташриф буюриш, маданий ҳордиқ чиқаришига имконият яратилди.

Шунингдек, банк ходимлари учун маънавий ва маърифий тадбирлар ташкил этиш билан бир қаторда, банк ўқув маркази томонидан жорий йил давомида ходимларнинг касбий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий савиясини ошириш ҳамда банк фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш мақсадида иқтисодий ўқишлар мунтазам ташкил қилинаётир. Мазкур иқтисодий ўқишларга республикамизнинг кўзга кўринган жамоат арбоблари таклиф қилинмоқда. Уларнинг иқтисодий ва сиёсий мавзулардаги маърузалари ходимларнинг билим ва тажрибаларини мустаҳкамлашда қўл келаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Банк, шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори талаблари асосида ҳам маънавий тарғибот масалаларига эътиборни кучайтиради.

**Банк матбуот хизмати.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

***Буюк Британиянинг "Co-op Group" кооперация ташкилоти оғир молиявий қийинчиликдан чиқиб кетиш йўлини топди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.***

## Муаммо ва ечим

Гап шундаки, мазкур муассаса ўз боналари (сақловчига маълум миқдорда фойда олишга ҳуқуқ берувчи қоғозлар)ни акцияларга алмаштиришга қарор қилган. Бу орқали эса у ўз сармоясини 1,5 миллиард фунт стерлингга ошириб олади.

"Co-op Group" айни пайтда бир қатор йирик супермаркетлар, дорихоналарни бошқаради. Унинг жами мижозлари сони 4,7 миллион кишини ташкил этади.

## Автомобиллар учун батареялар

***Япониянинг "Mitsubishi" ва "GS Yuasa" корпорациялари Германиянинг "Bosch" компанияси билан ҳамкорликда электр қуввати билан ҳаракатланадиган автотранспорт воситалари учун батареялар ишлаб чиқаради.***

Манбага кўра, янги маҳсулотлар ҳар қандай турдаги электр автомобиллар учун мўлжалланган.




Айни пайтда "GS Yuasa" корпорацияси бундай батареялар тайёрлаш борасида катта тажрибага эга. Чунки мазкур корхона бир неча йилдан бери АҚШнинг "Boeing" самолётсозлик концернига бу турдаги жиҳозларни етказиб бериб келмоқда.

Эътиборли жиҳати, мазкур ҳамкорлик ҳақида хабарлар тарқалиши билан Токио биржасида "Mitsubishi" ва "GS Yuasa" корпорацияларининг акциялари баҳоси 7,86 фоизга қимматлашди.

## Активларини сотишга қарор қилди

***Телекоммуникация технологиялари соҳасида фаолият олиб борувчи "Alcatel-Lucent" (Франция/АҚШ) корхонаси ўз активларини сотишга қарор қилди.***

Бу орқали компания бир миллиард евро миқдорида маблағ ишлаб олмоқчи.

Изоҳланишича, маъмурият кредиторлар олдидаги қарзлар ҳамда компания кўраётган зарар миқдорини камайтириш мақсадида шундай йўл тутишга мажбур бўлган.

Унинг ижрочи директори Мишель Комбанинг таъкидлашича, ҳақиқатан ҳам, "Alcatel-Lucent" ҳозир оғир молиявий қийинчиликларни бошдан ўтказмоқда. Аммо бу корхонанинг келажаги жар ёқасида дегани эмас. Чунки мутасаддилар корхонани таназзулдан олиб чиқиш режасини ишлаб чиққан. Унинг доирасида бир қатор истиқболли ва қизиқарли лойиҳалар амалга оширилади. Бу эса корхонага олдинги мавқеига қайтиш имконини беради.

## Бизнесини кенгайтиради

***Хитойнинг "Dalian Wanda" компанияси Буюк Британиянинг замонавий яхталар ишлаб чиқарувчи "Sunseeker" корхонасини сотиб олди.***

"Евроньюс" телеканали хабарига кўра, сармоядор бу харид учун 464 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаган. Бундан ташқари, "Dalian Wanda" Буюк Британиядаги Темза дарёси қирғоғида 160 ўринли замонавий меҳмонхона қуриш учун тегишли миқдордаги маблағ йўналтиришни режалаштирган.



## Музокара ниҳоясига етмади

***"The Wall Street Journal" нашрининг ёзишича, АҚШнинг "Microsoft" корпорацияси Финляндиянинг "Nokia" компанияси билан музокаралар ўтказган.***

Гап-сўзларга қараганда, учрашув чоғида АҚШ корпорацияси "Nokia"нинг телефон ишлаб чиқариш бизнесини сотишни сўраган. Бу эса Финляндия компанияси мутасаддиларини ранжитган. Шу боис томонлар энди бошқа музокараларга киришмаслиги тахмин қилинмоқда.

Бошқа бир манбада қайд этилишича, "Microsoft" "Nokia"нинг ҳозирги оғир шароитидан фойдаланиб, унинг бизнесини арзон гаровга сотиб олишга уриниб кўрган.

Бунга изоҳ берган "Nokia" вакили икки компания ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилгани ва бундай учрашувлар мунтазам ўтказиб турилишини айтиб ўтди.

"Microsoft" томонидан эса мазкур музокара жараёни ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Андижон вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Шаҳрихон тумани СИБ томонидан ФИБ Бўз туманлараро судининг 2013 йил 28 январдаги 1-210-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрихон тумани, «Пахтаобод» ҚФЙ, Дўрмон қишлоғида жойлашган, «Жаҳонгирмирзо» ХСВИЧФга тегишли, умумий майдони 2000 кв.м. бўлган АЁҚШ бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 160 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 25 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 23 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар ОАТ «Савдогар» банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105-хона. Телефон: (8-374) 224-48-53. www.1kms.uz**

1005R/1453

*Лицензия: RR-0001.*

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Когон тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2013 йил 8 февралдаги 20-1205/28417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Когон шаҳри, Бухорошоҳ кўчаси, 1-уйда жойлашган, қурилиш майдони 289,44 кв.м.дан иборат икки қаватли маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 196 160 804 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 25 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 23 июль куни соат 18.00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

1006R/1453

*Лицензия: RR-0001.*

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2013 йил 25 июль, 1, 8, 15 ва 22 август кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ аукцион савдоларига «AGROBANK» очиқ акциядорлик тижорат банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%) | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси, сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Манзили | Асосий фаолият йўналиши | | |
| 1. | «GRAND ECO PRODUCTS» МЧЖ | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ, У. Юсупов кўчаси, 2-уй. | Жамият уставида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, мева-сабзавот ва узумдан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлашдан иборат, шунингдек, жамият белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкин | 100% | 10 598 000 000,0 |
| 2. | «PARKENT CHORVASI» МЧЖ | Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Паркент» ҚФЙ, Қуйилма участкаси. | Жамият уставида чорва молларини янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлашдан иборат, шунингдек, жамият белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкин | 100% | 2 417 000 000,0 |

**Очиқ аукцион шартлари**

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, очиқ аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан савдога қўйилаётган «GRAND ECO PRODUCTS» МЧЖ улуши бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида, «PARKENT CHORVASI» МЧЖ улуши бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй, телефонлар: (8-371) 150-85-23, 277-42-44, тел./факс: (8-371) 150-53-95.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона, телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

1003A/590

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75, қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

10R/109

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси меҳнат фахрийси

**Музаффар АСАДУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви ва аъзолари Нодавлат электрон ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Муҳаммадсалом Машариповга волидаи муҳтарамаси

**ШАРИФА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ҳофизи Оролмирзо Сафаровга волидаи муҳтарамаси

**МАСТУРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси Олий ва амалий математика кафедраси катта ўқитувчиси Салима Турдахуновага турмуш ўртоғи

**Тўлқин ТУРДАХУНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Бугун Туркияда ёшлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати (FIFA U-20 World Cup) бошланади. Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилади.**



# ЁШЛАРИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА!

**Биз улардан ажойиб ғалабалар кутиб қоламиз.**

Биласиз, айни пайтда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси — ФИФАга 209 та давлат аъзо. Табиийки, уларнинг ҳар бири ёш футболчиларини жаҳон чемпионатида кўришни орзу қилади. Аммо бундай имкониятга фақатгина 24 та юрт терма жамоаларигина эга бўла олади, холос. Чунки жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш учун мураккаб саралаш баҳсларида муваффақиятли қатнашиш талаб этилади. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2012 йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Осиё чемпионатида ана шундай юксак натижага эришганди. Яна бир эътиборга молик жиҳати, бу галги ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан ягона вакил ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, бу каби муваффақиятлар замирида юртимизда ёшларни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мужассамдир. Зеро, мустақиллик йилларида ёш авлоднинг мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун янада қулай шарт-шароит яратиш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлашни таъминлаш мақсадида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган бўлиб, у болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Келинг, энди бевосита ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Ҳар икки йилда бир марта ташкил этиладиган ушбу мусобақа 1977 йилдан буён ўтказиб келинади. Аввалги турнирларда 8 та терма жамоага бош совринни қўлга киритиш насиб этган. Жумладан, Аргентина олти, Бразилия беш, Португалия икки, Собиқ Иттифоқ, Испания, ГФР, Югославия ва Гана терма жамоалари бир мартадан олтин медалларга сазовор бўлган. Мезбон мамлакатлардан фақат Португалия 1991 йил, Аргентина 2001 йил ўз майдонида бўлган мундиалларда ғолиб чиққан. Қитъадошларимиздан Япония ва Қатар ёшлар терма жамоалари финалга қадар етиб келган. Лекин ҳал қилувчи баҳсларда қатарликлар германиялик, японияликлар испаниялик тенгдошларига имкониятни бой берганлар. Жанубий Корея терма жамоаси эса 1983 йилги мусобақада учинчи ўрин учун кечган баҳсда Польшадан мағлубиятга учраган.

Мусобақалар тарихидаги энг яхши тўпурар аргентиналик ҳужумчи Хавьер Савиола ҳисобланади. У 2001 йилги ёшлар мундиалида рақиблар дарвозасига ўн битта гол киритган. 1997 йил Малайзияда ташкил этилган XI жаҳон чемпионатида эса бразилиялик Адаилтон Мартинс ўнта голга муаллифлик қилган. Аммо ўша мусобақада унинг жамоасига совриндорлар сафидан жой олиш насиб этмаган.

Қизиқ жиҳати шундаки, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг энг кўп ғолиблари — Аргентина ва Бразилия терма жамоалари бу сафарги мусобақага йўлланмаларни қўлга кирита олишмади.

Мусобақа мезбони — Туркия ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этиш учун етарли даражада тайёргарлик ишларини олиб борди. Хусусан, Истамбул, Бурса, Анталия, Ризе, Газиантеп, Кайсери, Трабзон шаҳарларидаги стадионлар ФИФА талабларига мослаштирилди.

Терма жамоамизни жаҳон чемпионатига муносиб тайёрлаш учун кенг кўламли ишлар бажарилди. Футболчиларимиз Россия, Туркия, Португалия ва Испания каби бир қатор мамлакатларда ташкил этилган халқаро турнирлар ва ўқув-машғулот йиғинларида қатнашдилар. Шунингдек, Испания, Чили, Португалия, Туркия, Россия, Ироқ терма жамоалари билан учрашувлар ўтказилди. Қолаверса, мусобақада иштирок этадиган терма жамоа таркибига 2011 йили Мексикада ташкил этилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ҳавосидан баҳраманд бўлган Аббосбек Махситалиев, Сардор Раҳмонов, Муҳсинжон Убайдуллаев, Сардор Собирхўжаев, Забиҳилло Ўринбоев ва Жасур Ҳакимов сингари иқтидор эгалари жалб этилган. Уларнинг халқаро майдонларда тўплаган тажрибаси мазкур мусобақада ҳам вакилларимиз муваффақиятларини таъминлашига ишонамиз.

— Ёш футболчиларимизнинг жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этишлари учун давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилди, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев. — Бунга жавобан Туркия майдонларида бор куч ва маҳоратимизни сафарбар этиб, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига муносиб совға ҳозирлашни мақсад қилганмиз.

Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "F" гуруҳидан жой олган. Вакилларимиз кейинги босқичга чиқиш учун Янги Зеландия, Уругвай ва хорватиялик тенгдошларига қарши баҳс олиб боришади. Мусобақа қоидаларига кўра, ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган терма жамоалар тўғридан-тўғри плей-оффга йўл олади. Яна нисбатан яхши натижага эришган тўртта терма жамоа ана шундай имкониятга эга бўлади.

— Мексикада ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида чорак финалга қадар етиб боргандик, — дейди ҳимоячи Сардор Раҳмонов. — Бу сафар бундан-да юксакроқ натижага эришишни мақсад қилганмиз. Насиб бўлса, Туркияда муваффақиятли тўп суриб, ёруғ юз билан қайтамиз.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари янги истеъдодларни кашф этадиган муҳим майдон ҳисобланади. Бунга жаҳон футболида муносиб из қолдирган Диего Марадона, ван Бастен, Дунга, Ромарио, Луиш Фигу, Адриано, Пабло Аймар, Хуан Роман Рикельме, Самуэль Куффур, Тьерри Анри, Давид Трезеге, Хавьер Савиола, Роналдиньо, Икер Касильяс, Арьен Роббен, Иньеста, Лионель Месси каби чарм тўп усталарининг фаолияти, эришган муваффақиятлари ёрқин мисолдир.

Ишончимиз комилки, мазкур мусобақадан сўнг бу рўйхатдан ўзбекистонлик истеъдод эгаларининг номлари ҳам жой олади. Ахир давлатимиз раҳбарининг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз", деган сўзлари ана шундай истеъдодларимизга қарата айтилган эмасми?!

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

**"F" гуруҳидаги баҳслар Бурса ва Анталия шаҳарларида ўтказилади. Учрашувлар қуйидаги саналарга белгиланган:**

**23** июнь, соат 20:00 Янги Зеландия — **Ўзбекистон**
соат 23:00 Уругвай — Хорватия

**26** июнь, соат 20:00 Янги Зеландия — Уругвай
соат 23:00 Хорватия — **Ўзбекистон**

**29** июнь, соат 20:00 Хорватия — Янги Зеландия
соат 20:00 **Ўзбекистон** — Уругвай.

## ЭЪТИРОФ

*Яқинда Хитойнинг Цзясинь шаҳрида "Буюк Ипак йўли — Ўзбекистон болалари нигоҳида" мавзуида расмлар кўргазмаси очилди. Хитой Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консуллиги ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси вакиллари қатнашди.*

# «Буюк Ипак йўли — Ўзбекистон болалари нигоҳида»

Кўргазмада "Янги авлод форуми" ва "Эски шаҳар" болалар ижодиёти марказлари болажонларининг саксондан ортиқ ижодий ишлари, шунингдек, уларнинг хитойлик тенгдошлари чизган юзга яқин расмлар намойиш этилди. Эътиборли жиҳати шундаки, тадбир меҳмонларининг аксариятини маҳаллий мактаблар ўқувчилари ташкил қилди. Бу ўзбекистонлик болалар ижодиётига нисбатан Хитойда катта қизиқиш мавжудлигидан далолатдир.

Кўргазманинг очилиш маросимида пойтахтимизнинг кўҳна ва замонавий қиёфасини ўзида мужассамлаштирган тўрт юздан ортиқ суратлардан иборат "Тошкент: бир шаҳар тарихи" китоби ҳамда мамлакатимизнинг ўзига хос маданияти, этнографияси, анъаналари ва бугунги куни тасвирланган "Фонд Форум тақдим этади: Ўзбекистон" номли фотосуратлар жамланмаси Цзясинь шаҳар кутубхонаси маъмуриятига топширилди.

Ушбу тадбир Хитой оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Жумладан, маҳаллий журналистларкўргазмага "Буюк Ипак йўлининг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда гуллабяшнаши даврини ўз тасаввурларида акс эттиришга интилган болаларнинг бой ички дунёсини ифодалайди", дея таъриф бердилар.

Тадбирда мазкур кўргазма хитойликларнинг Буюк Ипак йўли ҳамда Ўзбекистон миллий мусаввирлик санъатига нисбатан қизиқиши янада ортишига ижобий таъсир қилиши таъкидланди.

**Чжэцзян провинциясининг Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси ижрочи вице-президенти Чен Айжен** қайд этганидек, Хитойда Ўзбекистоннинг кўп асрлик анъаналари ҳамда маънавиятининг ўзига хос жиҳатларини чуқур англашга бўлган интилиш кузатилмоқда.

— Жорий йил апрелида Цзясинь шаҳрида "Жиззах" махсус индустриал зонаси — Хитой компаниялари учун ноёб сармоявий имкониятлар" мавзуига бағишланган анжуман бўлиб ўтди, — деди у. — Бугун эса яна бир маданий тадбирнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Кўргазманинг "Буюк Ипак йўли — Ўзбекистон болалари нигоҳида" дея номлангани ҳам бежиз эмас. Чунки у маҳаллий жамоатчилик вакилларига Хитой ва Ўзбекистон шаҳарлари ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқ алоқалари ҳамда маданий алмашинувларга шоҳид бўлган кўҳна Буюк Ипак йўли даврида Ўзбекистоннинг нақадар муҳим ўрин тутгани тўғрисида ҳам атрофлича маълумот беради.

**Цзясинь шаҳар мэрининг биринчи ўринбосари Лян Чун** қадим даврларда Хитойга Фарғона заминидан зотдор тулпорлар етказиб берилгани ҳамда Хитойнинг ипак пойтахти саналган Цзясинь шаҳридан ипак толалари хорижга чиқарилганини айтди.

— Стратегик шериклар бўлмиш Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий ҳамда маданий-ижтимоий алоқаларини кенгайтириш йўлида муштарак саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар, — дейди Лян Чун. — Бугунги кўргазма ҳам яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилажагига шубҳа йўқ. Зеро, болажонларимиз ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари сифатида мамлакатларимизнинг келажакдаги муваффақиятли ҳамкорлигининг ворисларидир.

**Хитой Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг Маданий алмашинувлар департаменти бош директори Ма Сяомин** "Хитойнинг Ўзбекистон билан олиб бораётган кўп қиррали ҳамкорлиги, айниқса, маданий соҳадаги ўзаро алоқаларнинг жадаллашаётгани икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада чуқурлашишига кўмаклашади, — дея таъкидлади. — Ўйлайманки, ҳадемай, хитойлик болажонларнинг ижодий ишлари Ўзбекистонда ҳам муваффақият билан намойиш этилажак", деди у.

**Цзясинь шаҳар ҳукуматининг Ташқи ишлар департаменти директори Чжу Енмим**нинг билдиришича, шу ой давомида мазкур кўргазма шаҳарнинг қатор мактабларида ҳам намойиш қилинади. Июль ойининг иккинчи ярмида эса у провинциянинг маъмурий маркази — Ханчжоу шаҳрига кўчирилади.

**«Жаҳон» АА.**

# Ҳунар — саодат калити



Давлатимиз мустақилликка эришгач, аввало, боқий қадриятларимизни тиклашга, халқимиз минг йиллар давомида ардоқлаб келаётган миллий ҳунармандчилигимиз анъаналарини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Бу эса миллий ўзлигимиз, қадрият ва урф-одатларимизга бўлган садоқатни, ҳар бир ёш қалбида шу азиз тупроққа, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

## ҚАДРИЯТ

Мустақиллик йилларида қадимий шаҳарларимиздаги обидалар, қутлуғ қадамжолар нафақат аввалги кўркини тиклади, балки янада яшарди, тенгсиз қиёфа касб этди.

Ҳунармандларнинг бугунги авлодига ҳавас қилса арзийди. Чунки Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожини янада юқори поғонага кўтарди. Эндиликда ҳунармандлар ўзларига берилган имтиёзлардан кенг фойдаланиб, боқий қадриятларимизни тиклаш борасида тинимсиз изланишга, янгиликлар яратишга интилмоқдалар.

Кулоллик — бу, аввало, санъат. Оддий тупроқнинг лойга айланиши, унинг пишитилиши, сўнгра шакл берилиб, турли тасвирлар туширилиши, юқори оловда пишган лойда турли тасвирларнинг аниқ-равшан ифода этилиши ҳунармандлан нафақат маҳорат, балки юксак истеъдод ҳам талаб этади.

Дунё аҳли томонидан "Очиқ осмон остидаги музей" дея эътироф этилган қадимий ва навқирон Хива шаҳрининг кунчиқар томонида Каттабоғ қишлоғи бор. Янгиариқ туманига қарашли бу қишлоқда миришкор боғбонлар қатори уста кулоллар ҳам яшайди.

Хусусан, кулол Отажоновлар сулоласини кўпчилик эҳтиром билан тилга олади. Мен ҳам шу авлод вакилиман.

Ҳунармандчилик қон-қонимизга сингиб кетган. Кўз очиб, Отажон бобомизни, Султонбой тоғамизни кулоллик чархи устида кўрганмиз. Хумбузнинг ичига кириб-чиқиб, идишлардан қолган тошларни териб ўсганмиз. Ҳунарманд бир ерда тўхтаб қолмаслиги кераклигини яхши тушунардик. Укам Баҳодир Отажонов, жияним Одилбек Раҳимов билан маслаҳатлашиб, оталаримиз ҳунарини янада ривожлантиришга қарор қилдик.

Бизга "Янгиариқ — Хива" магистраль йўли бўйидан кулоллик цехи учун ер майдони ажратиб берилди. Бу ерда мўъжазгина устахона, хумбузлар қурдик. Ишлар юришиб кетди. Қатор ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, замонавий биноларни кошинлар билан безаш учун буюртмалар ола бошладик. Хоразмий, Беруний ёдгорлик мажмуалари, Элликқалъа туманидаги Кечирмас бобо, Бухоро шаҳридаги Нақшбанд зиёратгоҳларини безаш ишларида қатнашдик. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйига "Буюк Ипак йўли" панносини ҳам яратдик. Уни Хива шаҳрининг энг кўзга кўринарли жойига ўрнатдик. Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйига дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган меҳмонлар панногa жуда катта қизиқиш билдирдилар. Улар бу панно маҳобатли кулолликнинг ёрқин намунаси эканлигини айтишганида, юртимизда ҳунармандларга яратиб берилган имкониятлардан фахрланиб кетдим.

2000 йилдан кулоллик цехимиз қошида "Устоз — шогирд" мактаби йўлга қўйилди. Каттабоғлик кулоллар Баҳодир Отажонов, Одилбек Раҳимов, Ирода Саъдуллаева аллақачон уста мақомига эришиб, ўз шогирдларига касб сирларини ўргатиб келмоқдалар.

Қадимий шаҳарлардаги мадрасалар ва мақбаралар пештоқига чиройли қилиб битилган арабча ёзувларга кўп бор кўзимиз тушган. Улар худди бир қараганда бетакрор нақшни эслатади. Бу ҳам бўлса ўша давр хаттотларининг маҳорати туфайлидир. Ёш кулоллар ана шу ҳунарни ўрганишга бел боғлашган. Бу бизни беҳад қувонтиради. Кулоллик мактабининг эртаси ишончли қўлларда эканлигига кўнгилда умид уйғотади.

**Олланазар САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси.**

# Билиб қўйган яхши



## Шифобахш неъматлар хазинаси

**Юртимизда етиштирилаётган тарвуз ўзининг мазаси, серширалиги ва шифобахшлиги билан алоҳида ажралиб туради.**

Хусусан, халқ табобатида ундан пешоб ҳайдовчи, ҳароратни туширувчи ва чанқоқни қолдирувчи восита сифатида кенг фойдаланилади. Тарвуз шарбати кўз сариғини кетказишда, жигар ва буйрак касалликларида тавсия этилади. Шунингдек, унинг қуритилган пўчоғидан тайёрланган дамлама ўткир ва сурункали йўғон ичакнинг яллиғланиши, болалардаги бохак (калит) касаллигида наф беради.

Шу билан бирга, тарвуз замонавий тиббиёт учун ҳам ниҳоятда зарур полиз маҳсулоти ҳисобланади. Чунончи, унинг мағзи таркибида 15 фоизгача қанд глюкоза, фруктоза, сахароза ҳамда B1, B2, B6, PP витаминлари, уруғида эса 40 фоизгача ёғ ва 35 фоизгача оқсил мавжуд. Бу полиз "паҳлавони" кўплаб хасталикларни даволашда қўл келади. Жумладан, у юрак-қон томир тизими, буйрак-тош, пиелонефрит, сурункали қулунж ва камқонлик сингари хасталиклар билан оғриган беморларга даво сифатида буюрилади.

## Қадимий табобат усули

**Маълумки, қадимдан айрим касалликлар зулук ёрдамида даволанган. Хусусан, буюк табиб Абу Али ибн Сино ушбу усулдан кенг фойдаланган ва бунинг натижасида беморларнинг аҳволи яхшиланиб, улар бир қатор дардлардан фориғ бўлишган.**

Замонавий тиббиётда ҳам беморга зулук солиш усули илмий жиҳатдан асосланган. Чунки зулук сўлаги таркибидаги коагулянт моддаси қондаги тиқинлар сурилишига ёрдам берса, антисептик омиллар эса қон томирларини кенгайтириб, иммунитетнинг ташқи таъсирларга бардошлилигини оширади. Бу эса, ўз навбатида, қон тозаланиб, унинг томирларда равон оқишини таъминлаш баробарида, хафақон, миокард инфаркти, ўткир нефрит, хасмол, темиратки, тромбофлебит сингари хасталикларни даволашда қўл келади.

Аммо бу жараёнда фақат соғлом зулукдан фойдаланиш ва шифокорнинг муайян тавсияларига қатъий амал қилиш зарур. Чунки ҳозирги кунда зулукларнинг олти юздан зиёд тури мавжуд бўлиб, улар ичида фақат ўн турдагисигина қон сўрувчи хусусиятга эга. Бундай зулукларни махсус дорихоналардан харид қилиш мумкин.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

## ТАНЛОВ

# Қўшиқларда юрт мадҳи



Самарқандда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари Ватанни мадҳ этувчи мазмунан теран, бадиий жиҳатдан етук куй-қўшиқларни ижро этишди. Ёш истеъдод эгаларининг бадиий чиқишлари ижро маҳорати, матн ва мусиқа уйғунлиги каби муҳим мезонлар асосида баҳолаб борилди.

Якунда Наманган санъат коллежи ўқувчиси Одина Абдуллаева ҳамда Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Дилрабо Турғунова биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиб ва совриндорларга Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5